

* Жаҳон чемпиони қайси усул билан оздиришганди

* "Чимилдик" да: Чимилдикда содир этилган жиноят

* Қаловини топсанг, ҳайкал ҳам пул "топаркан"

* Тўрт норасиданинг қотилига айланган овсин



Туркистон

Элим деб, юртим деб,

ёниб яшаш керак.

1925 йилдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИ «КАМОЛОТ» ЖАМҒАРМАСИ ГАЗЕТАСИ

1999 йил 19 май Чоршанба.
№ 37 (14228)

“ТЕЗ ЁРДАМ”ГА ТЕЗКОР ЁРДАМ



Бугунги шиддатли тараққиёт жараёни соғлиқни сақлаш тизими олдида республикамизда тиббий хизмат сифати ва самарадорлигини янада юқори даражага кўтариш, халқимиз саломатлигини яхшилаш, соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш каби долзарб вазифаларни кўндаланг қўймоқда. Бу борада Президентнинг махсус фармойишига биноан Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини 1998-2005 йилларда ислоҳ қилиш дастури ишлаб чиқилди. Шундан сўнг қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизими давлат дастури тўғрисида”ги Фармонда эса соҳадаги кенг кўламда амалий вазифалар аниқ-равшан белгилаб берилди.

Кунги кеча Президентимиз ташаббуси билан иккинчи Тошкент давлат тиббиёт ин-

ститутини қошида Республика соғлиқни сақлаш вазирлиги, Американинг Халқаро соғлиқни сақлаш иттифоқи ва Ричмонд шаҳридаги Тез тиббий ёрдам бошқармаси ҳамкорлигида Республика шошилинч тиббий ёрдам ўқув марказининг очилиши бу борада қўйилган йирик амалий қадамлардан бири бўлди. Марказнинг очилиши маросимида сўзга чиққан Бош вазир ўринбосари Ҳамидулла Кароматов, Ричмонд шаҳри Тез тиббий ёрдам бошқармасининг ижрочи директори Жерри Овертон, АҚШнинг юртимиздаги Фавкуллода ва Мухтор элчиси Жозеф Пресел, Республика Соғлиқни сақлаш вазири Феруз Назиров ва бошқалар ана шулар тўғрисида батафсил гапириб ўтишди. Унда “Соғлом авлод учун” халқаро ноҳукумат хайрия жамғармасининг фахрий президенти Татьяна Кари-

мова, Республика Президентининг Давлат маслаҳатчилари Вячеслав Голишев, Тўхтапўлат Рисқиев иштирок этишди. Маълумки, АҚШнинг халқаро тараққиёт бўйича агентлиги — ЮСАИДнинг тегишли шартномаларига кўра Американинг Халқаро соғлиқни сақлаш иттифоқи ўз мамлакатини ва МДХ давлатларининг тиббиёт муассасалари билан ҳамкорлик ўрнатиб келади. Сўнгги олти йил ичида уюшма Ўзбекистон билан ҳамжиҳатликда оналик ва болаликни ҳимоялаш, алоҳида тиббий ёрдам зарур бўлган аёлларга тезкор медицина хизмати кўрсатиш дастурини такомиллаштириш бўйича муваффақиятли ишларни амалга оширмоқда.

Ўқув марказининг кираверишида рамзий тасмалар қирқилгач, меҳмонлар бино ичидаги хоналар, замонавий жи-

ҳозларни кўздан кечиришди. Республика шошилинч тиббий ёрдам кўрсатиш ўқув маркази жаҳон андозалари даражасида жиҳозланган бўлиб, ундаги ўқув ускуна ва мосламаларини Америка соғлиқни сақлаш иттифоқи тақдим этган. Модемлар ва дастурий таъминот воситасида ушбу марказ юқорида номи келтирилган ташкилот билан доимий электрон алоқа ўрната олади.

Ўқув марказининг очилиш маросимида меҳмонларга беморга қай йўсинда тезкор ёрдам кўрсатиш усули намойиш этилди. Тадбирда ўқув марказининг илк 23 нафар битирувчилари — шифокорлар, урта тиббиёт ходимлари, ҳайдовчиларга сертификатлар топширилди.

Назокат УСМОНОВА,
“Туркистон” мухбири

Ўсиб келаётган ёш авлодни қандай қилиб мустақиллигимизга ёт гоёлар таъсиридан асраш, қандай қилиб ўз манфаатини Ватан, халқ манфаатидан айри кўрмайдиган эркин, ҳар томонлама ривожланган кишиларни тарбиялаш мумкин? Олий ва ўрта таълим вазирлиги Тошкентда ташкил этган республика кенгашида шу ҳақда гап борди. Кенгашда республика олий ўқув юртлирининг ректорлари, проректорлари, деканлари ва декан ўринбосарлари, кафедра мудирилари иштирок этди. Кенгашни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ҳ.Кароматов бошқарди.

Ўзбекистон ҳуқуқий-демократик давлат қуриш йўлидан бориб, тобора ривожланмоқда. Мамлакат раҳбарияти фуқароларнинг эркинлиги ва эътиқодини қонуний равишда ҳимоя қилишни таъминлаш учун барча зарур шароитларни яратмоқда. Ёшларни мустақиллик руҳида тарбиялаш, Президент Ислом Каримов ташаббуси билан мамлакатда амалга ошириляётган

Тарбияда гап кўп

Миллий дастур талабларига мувофиқ равишда мутахассислар тайёрлашга алоҳида эътибор берилмоқда. Бу вазифани бажариш асосан таълим тизими ходимлари зиммасига тушади.

Бироқ, семинарда қайд этилганидек, бу иш ҳали кўнгилдагидек эмас. 16 феврал воқеалари бунинг тасдиғидир. Бу машғум воқеалар турли-туман диний экстремистик ташкилотларнинг таъсирига тушиб қолган айрим ёшлар ана шу ташкилотларнинг ёвуз гоёлари билан захарланганини яққол намойиш этди. Бу ташкилотлар ҳали гўр, тажрибасиз ёшларни ўз тўрларига тушириб, уларнинг онгини турли йўллар билан захарлашга уринмоқда, уларни ўз халқининг ашаддий душманига айлантириш учун ҳеч қандай маблағни аямай сарфламоқда.

Шу муносабат билан кенгаш қатнашчилари ўз нутқларида ўсиб келаётган ёш авлод ўртасида тарбиявий ишни янада жонлантириш зарурлигини таъкидлашди. Бу иш самарали бўлиши учун энг аввало экстремистик ташкилотларнинг ёшларга таъсир кўрсатиш усулларини ўрганиш, шундан кейин уларга қарши ўз усулларимизни ишлаб чиқиш лозим. Олий ўқув юртлирида таълим олаётган йигит ва қизлар бу ташкилотларнинг ҳақиқий ёвуз ниятларидан тўла хабардор бўлиши керак. Уларга халқимиз таянла олган мустақиллик мафкурасини, инсонпарварлик гоёларини, умуминсоний қадриятларни қарши қўя олиши лозим.

Энг муҳими, деб таъкидланди кенгашда, бу иш онда-сонда эмас, ҳар кунини талабалар аудиторияларидагина эмас, ётоқхоналарда, маҳалларда ҳам, ҳар бир ёш авлод вакили билан алоҳида равишда олиб борилиши керак. Олий ўқув юртлири ўқитувчилари ёшларни тарбиялашда маҳалла кўмиталари, жамоат ташкилотлари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари билан янада фаолроқ ҳамкорлик қилиши, қўшма тадбирлар, учрашувлар, суҳбатлар ўтказиши лозим. Биргаликдаги сайёҳлик ҳаракатлар билангина йигит ва қизларимизни Ўзбекистон халқи мустақилликка эришганидан сўнг ўз олдида қўйган улкан вазифаларни чуқур идрок этиб, ҳар қандай душманлик руҳидаги таъсирларга ўз Ватанининг буюк келажагига бўлган ишончини қарши қўя оладиган кишилар қилиб тарбиялаймиз.

А.Иванова,
ЎЗА мухбири.

“АЛПОМИШНИНГ ҚАЙТИШИ”

Маннон Уйгур номидаги Сурхондарё вилояти мусикали драма ва комедия театри “Алпомиш” достонининг кутлуг тўйига муносиб тўёна ҳозирламоқда.

Жамоа таниқли шоир Усмон Азимов қаламига мансуб “Алпомишнинг қайтиши” асарини саҳналаштиришга киришди.

— Асарнинг бундай номланиши бежиз эмас, албатта, — дейди Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби М.Равшанов. — Неча асрлар мобайнида халқимиз ҳавас ва армон билан ардоқлаб, юрагининг туб-тубида сақлаб келган Алпомиш сиймоси аслида ҳам ўзининг озод Ватанига қайтиб келганга ўхшайди. Негаки, мардлик ҳамда ҳалоллик, ҳаёт ва истиқлол учун кураш иштиёқи, вафо ва садоқат, ишқ-муҳаббатнинг шодлигу изтиробларга ошнолиги, элсеварлик ҳамда юртпарварлик каби ана шу қахрамонимизга хос улуғвор, айна чоғда оддий ва самимий инсоний хислатлар мустақиллик шарофати билан бугунги кунда қайтадан қадр топа бошлади.

Асардаги етакчи ролларни Ўзбекистон халқ артистлари Х.Бобонова ва Р.Раҳматов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Г.Равшанова, Р.Маматалиев ҳамда Р.Номозов ижро этади. Саҳна безакларини расом Б.Тўраев ишламоқда.

Саҳна асари яқин кунлар ичида томошабинлар эътиборига ҳавола этилади.

Б.ЖУМАЕВА,
“Туркистон-пресс” мухбири

ЗИЁРАТ... 10 СЎМ?!

Қувага борсангиз, яқиндагина ҳукуратимиз саъий-ҳаракати билан обод этилган Ал-Фарғоний зиёратгоҳига кириш учун пул таллаб қилишса ажабланманг.

Бундан қарийб ўн икки аср муқаддам ўзининг беназир салоҳияти билан мил-

латимизни дунёга танитган аллома ҳайкалига яқинлашарканмиз зина ёнидаги ёзув диққатимизни тортди. — “Кириш ҳақи 10 сўм”. Биз бундан ажабланиб, ўз бобосини зиёрат этишга келганлардан пул ундираётган йигитдан бунинг сабабини сўрадик.

— Комплексада ҳайкалдан бошқа зиёратгоҳлар ҳам бор. Шунинг учун бу ер музей ҳисобланади. Ал-Фарғоний — экспонат, — жавоб қилди чиптачи.

Шу гапдан сўнг “Аҳмад ал-Фарғоний” мемориал мажмуи директори Муҳаммаджон Рўзикулов билан учрашдик.

Ажаб!

— Зиёратгоҳдан пул йиғмасак, қоровулларга қардан маош берамиз, — деди у. — Бунинг устига ҳаммаси қонунлаштирилган — ҳокимдан рухсат олиб, қарор чиқариб қўйибмиз.

— Сайёҳлар ҳам пул тўлашадими?

— Уларга 15 сўмдан. Шундан 5 сўмини сайёҳлик ташкилоти олиб қолади.

— Одам гавжумлигига қараганда анча-мунча пул ишласаларингиз керак?

— Кошкийди. Ойига 20-25 минг тушади. Унинг ҳам ярмини “солиқчилар” ушлаб қолади.

Директор билан суҳбатимиз тугагач “қонун бўйича” 10 сўм тўлаб “экспонат”ни зиёрат қилдик. Бир гуруҳ қариялар ҳам худди биздай кириб Ал-Фарғоний пойида Куръон тиловат қилишди.

Жамолдин ТЎХТАШЕВ,
“Туркистон” мухбири

ТАҲРИРИЯТДАН:

Ал-Фарғонийдай буюкларни тарбиялаган Қувадек юрда бўлаётган бундай воқеалар бизни бефарқ қолдирмади. Шу сабаб Фарғона вилояти ҳокими ўринбосари Фотиҳ Азимовга мурожаат қилдик. Ҳаттоки, вилоятдаги раҳбарлар ҳам бу зиёратгоҳдаги “талбиркорлик”лардан беҳабар экан. Энди эса бунга албатта чек қўйишмоқчи...

АНА ШУНАҚА, ҲАЗИЛ

Ҳамза номидаги ўзбек давлат академик драма театрида “Ана, шунақа ҳазил” деб номланган кулгу кечаси бўлиб ўтди.

Унда ёш қизиқчилар турли мавзудаги ичакузди хангомалари, бир-биридан мазмунли саҳна асарлари билан, эндигина санъат оламига кириб келаётган иқтидорли

ёш хонандалар эса дилрабо куй-қўшиқлар билан йиғилганларни хушнуд этишди. Айниқса, қизиқчи Ҳасан Тоировнинг ижрочилик маҳорати, қизиқарли латифалари томошабинларда катта таассурот қолдирди. Кулги кечаси барчага шодлик, кўтаринки кайфият бахш этди.

Рузи БОЙ

Инсоният яралибдики, у ҳамisha эрк ва озодликка интилади, шу мақсадга эришиш учун тинимсиз кураш олиб боради. Бундай ҳаракатлар кишилик тарихининг ҳамма босқичларида ўзига хос тарзда намоён бўлади.

XX асрнинг охирига келиб дунёдаги ҳар бир ижтимоий ҳодиса, жумладан миллий мустақилликка эришиш масалалари демократик жараёнларнинг ривожланиб бориши билан узвий боғлиқ бўлиб қолди. Кўпчи-

бўлмайди, одамларнинг тинчлик ва эркинликларига ҳалақит берувчи султон (яъни подшоҳ) бўлмайди. Улар орасида турли яхши одатлар, завқ-лаззат пайдо бўлади”.

Шунингдек, Фаробий “Фозил шаҳар аҳолисининг фикрлари” рисоласида ҳар бир инсонни яхши яшаш ва олий даражага эришиш учун ўзаро ёрдамлашуви кишиларнинг бирлашуви зарурлиги ҳақидаги гоёни илгари суради. Ана шундагина ҳар бир инсоннинг озодлиги ва эркинлиги таъ-

ФОЗИЛ ШАҲАР

О Р З Ч Е А

лик мамлакатларда, айниқса, собиқ социалистик мамлакатлар ичида ижтимоий-сиёсий ҳаётда “давлат суверенитети”, “миллий мустақиллик” каби сиёсий иборалар кенг ишлатила бошланди. Бунинг боиси шу вақтга келиб халқларнинг миллий онги ушиб, ижтимоий тараққиётни фақат сиёсий, иқтисодий, маънавий мустақиллик орқали таъминлаш мумкинлигини чуқурроқ ҳис қила бошлаганидир.

Мустақиллик йулидаги ҳаракатлар натижасида собиқ СССР таркибида бўлган социалистик республикалар тарқалиб, улар ўрнида мустақил давлатлар вужудга келдики, бу ўз навбатида жаҳон халқларининг миллий мустақиллик ва ўз давлат суверенитетини қўлга киритишида мутлақо янги босқич бошланганини ҳам билдиради.

Албатта, ҳар бир халқнинг ўз мустақиллигига эришиш масаласи ўзининг қадимий ва бой тарихига эга.

Авалло “мустақиллик” ўзи нима? Бу ҳақда Шарқ мутафаккирларининг қарашлари қандай бўлган? Шу маънода “уйғониш даври”нинг йирик намоёндаларидан бири Фаробийнинг (870-950) инсон, унинг эрки ва ҳуқуқи ҳақидаги сиёсий, фалсафий қарашлари гоёта қимматлидир. У ўз вақтида кишиларнинг қандай мақсадлар атрофида уюшганидан келиб чиқиб давлатларни икки қарама-қарши туркумга бўлади. Ўз аҳолисини бахт-саодатга етакловчи, бутун фаолият ва вазифаларни ана шу мақсадга йўналтирувчи шаҳарлар, яъни давлатлар яхши, фозил, олижаноб шаҳарлардир. Ўз фаолиятини нотўғри йўлдан олиб борувчи, ёмон мақсадни амалга оширишни кўзловчи шаҳар жоҳил, ёмон шаҳардир, дейди у.

Фаробий қўлчиликни ва у билан боғлиқ бўлган инсоний ҳуқуқларнинг инкор этилишини қоралайди. У ўз бойлигини, фаровонлигини уйлаб, бошқа мамлакатларни босиб олиб, у ер аҳолисидан қўллар сифатида фойдаланишга асосланган давлатни адолатсиз, жоҳил ва босқинчи деб баҳолайди. “Одамларни бирлаштириб турувчи ибтидо — инсонийликдир” — деб таъкидлайди Фаробий.

Мутафаккир инсон озодлиги ва эркинлиги таъминланишини тараққиётнинг муҳим кўринишларидан бири деб билади ва бу тўғрида шундай деб ёзади: “Маданий жамият ва маданий шаҳар (ёки мамлакат) шундай бўладики, шу мамлакатнинг аҳолисидан бўлган ҳар бир одам касб-ҳунарда озод, ҳамма баробар бўлади, кишилар ўртасида фарқ бўлмайди, ҳар ким ўзи истаган ёки танлаган касб-ҳунар билан шуғулланади. Одамлар чин маънода озод бўладилар. Бири иккинчисига ҳўжайин

минланади, деб таъкидлайди. Шу муносабат билан инсонларнинг давлатларга бирлашиши табиий воқелик бўлиб, унинг асосида инсон эрки ётади, деган хулоса қилинади.

Айни чоғда Фаробий зўрлик ишлатишни, жоҳилликни қаттиқ қоралайди. У “зўрлик қўллар ва беъмани кишиларга нисбатан тез таъсирини кўрсатади, аммо зўрлик билан озодликни бўғиб бўлмайди” дейди.

Ўрта Осиёнинг буюк алломаларидан бири Абу Райҳон Беруний (973-1048) ҳам ҳурфикрлик ва эрқарварликка оид, ижтимоий зулмга қарши, инсон шахсининг эркин ривожланиши учун мардона курашувчилар ҳақида қимматли тарихий-адабий мерос ёзиб қолдиради. Жумладан, у “Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар” китобида жуда кўп тарихий воқеалар, турли халқлар ва динларга оид муҳим маълумотлар, подшоҳлар, машҳур тарихий шахслар ва олимлар ҳақида ҳикоя қилар экан, зўрлик йўли билан ўзгалар ерларининг босиб олиниши халқлар ва мамлакатлар ўртасида ихтилофлар келтириб чиқаришини кўрсатади. Шунингдек, ўзининг “Тарихлар моҳияти ва миллатларнинг бу ҳақдаги ихтилофлари устида сўз” асарида “Авалло биз мана шу (башариятнинг бошланиши) тарихига назар солсак, миллатлар орасида кўпгина ихтилофларни учратамиз... Одамларнинг кучсизлари ҳам ўзидан заиф бўлган бировга эгалик ва раислик қилишдан холи эмас”, — деб ёзади.

Бу уринда Беруний заиф ва кучсиз халқларнинг ўзгалар томонидан босиб олиниши, камситилиши ва таҳқирланиши ҳусусида фикр юритади. Албатта, бундай камситишлар халқларнинг озодлик учун интилишига сабаб бўлади.

Беруний таълимотига кўра инсон ўз ақли ва заковати билан бошқа тирик мавжудотлардан фарқ қилади. Айни пайтда у ички ва ташқи покликка эга бўлиш лозимлигини ҳам таъкидлайди. Беруний фикрича, ички поклик аввало яхши ниятдан келиб чиқади. Ташқи покликка эса инсон ҳақиқат ва ҳуқуққа риоя қилиш туфайли эришади. Инсон юксак фазилатлар соҳиби бўлиши учун у ўзига раво кўрган нарсани ўзгаларга ҳам раво қўриши керак.

Кўриниб турибдики, бугунги ҳур, адолатли жамиятимиз бобокалонларимизнинг кўп асрлик орзулари ижобатидир. Ва, албатта у осонликча қўлга киритилган эмас.

Абдуғани БАХБЕТОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти ҳузуридаги
Давлат ва жамият қурилиши
Академияси тингловчиси



"МУРКИСТОҲ" газетаси иловаси. 1999 йил 19 май № 26

ОТАМНИНГ ХОТИНИ БОР

Бу мактубни сизга минг истиқола билан йўллаяпман. Ёшим 20 да. Кўп нарсани ўзим ҳал қилишим мумкин. Аммо... Дардим шунчалар оғирки, уни бировга айтишга ҳам уяламан. Отамга эса барибир. Уларни ёмонламайман, бошқалардан бизни яхши едириб-ичирадилар, ўқитдилар. Истаганимизни ҳозир ҳам муҳайё қиладилар. Онанга меҳрибонлар. Ҳаммамиз отамни еру-қўкка ишонмаймиз. Яқинда билиб қолдим. Қўл остиларида ишлайдиган бир аёлни яширинча никоҳларига олиб, яшаётган эканлар. Уша-

ўша отамни ёмон кўриб қолдим. Насиҳат қилсалар "аввал ўзингизни тўғрилаб олинг" деб юборгим келади. Агар буни онам эшитиб қолса борми, оиламиз бузилиб кетади. Биз тўрт бола етим қоламиз. Узатилган опам бир умр эри томоннинг гап-сўзига учрайди. Наҳотки, отам фақат ўзларининг ҳузур-ҳаловатларини ўйласалар. "Чимилдиқ" муштарийлари, нима қилай? Адашган падаримни қандай тўғри йўлга бошлай. Илтимос, тезроқ менга ёрдам беринглар!

Н.

бир
Сени
бди
қил
рми
йўв
р
и
иқиб
а
Бу
сой
и
ҳам
изз
эм
бим
ёда
най
ида

Кундош кундошга ош деган гапни эшитганда бир воқеа эсимга тушиб, баъзан одамлар одамлигини йўқотиб, ҳатто ҳайвонлар ўзига раво кўрмайдиган ишни қилганидан, ундайлардан нафратланишга ҳам ор қиласан киши. Мени бундай дейишимга бир воқеа сабаб бўлган. Ҳилола эндигина иккинчи курсга ўтганида отаси уни ўз оғайнисининг ўғлига унаштириб қўяди. Қуда томон келинини ўзи ўқитиб олиш шартли билан тўйни тезлаштириб юборади. Ҳилола янги хонадонга меҳр қўйиб, ҳаммани хурматини қилиб, келинлик вази-

тихонларини топшириш учун бир неча кунга шаҳарга кетадиган бўлиб қолади. Бир ҳовлида яшаб болаларининг иссиғидан ҳам, совуғидан ҳам хабардор овсиндан ўзга меҳрибонни топмади. Қулай фурсат келганидан қувонган овсини жон-дили билан рози бўлади. Ҳилоланинг кўнглини хотиржам қилиб жўнатиб юборади.

Ҳилола бир неча кундан сўнг уйига қайтганида ўғилларнинг синиқ-рангидан



ичида кенжа ўғиллари — Ҳасан ва Ҳусаннинг аҳволлари ҳам оғирлашиб, уларни текширтириш учун касалхонага олиб келишади. Текширув натижалари уларнинг дихлофос билан захарланганлигини, бу модда уларнинг қонида ҳаддан ташқари кўп миқдордалигини кўрсатади. Врачлар уларнинг ҳаётини сақлаб қолишнинг умуман иложи йўқлигини айтишади. Уч кундан кейин мазордаги икки жажжи қабр яна иккитага кўпаяди. Бу даҳшатли кўргуликлардан кейин Хилола таниб бўлмас даражада ўзгариб кетди. Гавдаси чўкиб, бир кеча-

ОВСИН ОВСИНГА ТОШ ОТАР

фасини ўтайди. Лекин бир одам — овсини уни унча хушламаётганини сезади. Бунинг сабаби овсини ўз жиянини қайнисига, ўрни Ҳилоланинг эрига олиб беришни ният қилиб юрганди. Лекин йиллар ўтгач икки овсин ўртасидаги келишмовчиликлар силлиқланиб кетгандай бўлди. Орадан саккиз йил ўтди. Бу орада Ҳилола тўрт ўғилнинг бахтли онаси, бир қорхона хўжайинининг хотини бўлди. Бундай бахтни кўриб кечасию кундузи ҳаловатини йўқотиб қўйган овсин пайт пойласа-да, ҳеч кимга сездирмай юрарди. Ҳилола чала қолган ўқишини тиклаб давлат им-

безовта бўлади, лекин буни онасини ичикиб соғинганига йўяди. Етти ёшли ўғли Жамшид: "Ойи, энди кетмайсизми? Янгам берган овқатни ҳеч ейолмадим, таъми аччиқ, ҳиди ҳам сассиқ, есам уйқум келади," деб шикоят қилади. Онаси эркалик қияпти деб ўйлаб, ўғлини тинчлантиради. Лекин орадан икки кун ўтгач, бирдан Жамшид ўзини жуда ёмон ҳис қилиб, оламдан кўз юмади. Ҳали катта ўғлининг вафотидан қарахт бўлиб юрган Ҳилола учун, икки кундан кейин беш яшар Зокирнинг ўлими ҳам нафақат уни, ота-онасини, балки бутун эшитганларни ларзага солади. Сўнгги уч кун

да сочларига оқ оралади. Овсинининг қабиҳ ниятини амалга ошириш учун нега энди айнан унга эмас, балки норасида гўдакларнинг ҳаётига кўз олайтирганини ҳеч ақлига сизгиролмайди. Аллоҳнинг хоҳиши шу экан, дея тасалли излайди. Бу аёлнинг қалби кенглигига, олийжаноблигига, ўзини пасткаш овсинига тенг қилмасдан ундан баланд келганлигига тасаннолар айтиш мумкин. У овсинини қаргамайди, фақат худого солади. Лекин норасидаларнинг жаллодини кечалари тўрт гўдакнинг арвоҳи тинч қўяди деб ҳеч ким кафолат беролмайдикун!

Азиза КУЛМОНОВА

нисор каттириш солик барномадан бариллашган кўзга олтин қўзғилиш сикликлан кўздан кетираркан. Доликнинг газави кўзгади: — Мен сен а каламни олиб ташмайман! Нисор каттир кўтилмаган бу даргагадан

ВАҒО ДЕБ АДАШГАНИМ

Янги келинлигимда иштиёқ билан эримнинг кийимларини тахлаётган эдим, бехосдан шимининг чўнтагидан икки энлик хат тушиб кетди. Мактуб шундай бошланади: "Азизим А... Сизни севиш учун яралгандайман. Ҳижрон ҳукмрон кунларда ишқнинг қийноқлари остида қолдим. Сиз Лайли-ю, мен Мажнунга ўхшайман. Ёнимдаги аёлга қайрилиб ҳам бoқгим келмайди. Унга уйдагиларнинг кистови билан уйландим. Ва уларга олиб берган қизлари билан атиги 3 ой турмуш қуришим мумкинлигини ўқирдим. Тўғриси айтсам, ҳозирда ҳеч нарсага муҳтожлигим йўқ. Фақат битта орзуим — аниқроғи, армоним бор. Чинакам бахтим, қувончим бўлгучи севгим, севгилим — Сиз йўқсиз ёнимда". Шу кунгиде, дунё ёлгон дунё эканини менинг қаршимда исботлаб қўйди. Ва шу кунгиде ҳаётим гўё кимор уйинига тикилганини англаб етдим. Ҳаёт шундай нозик пардадан иборат эканки, бир сўз инсонни иймонга чорлаб, юксакка кўтарса, бир сўз уни надомат комига тортиб кетар экан. Севмай, севилмай туриб, юрагим сўнди. Муҳаббат ўрнини нафрат қоплади. Шу зайлда саккиз йил ҳаёт давом этди. Бугун эса мен уни бировнинг гапини ёд олиб, такрор ва такрор айтадиган тўтига ўхшатаман. Сабабики, у ҳаммани

севади. Ҳаммага бир хил оҳангда "Сизни севиш учун яралгандайман", дегиси келади. Аёлнинг жони қулоғида эмасми? Улар бу ширин сўзларга маҳлиё бўлиб юрaverишади. Кунлар келиб кўза сингач, адашдим, чимилдиқ кўрмадим, вафо топмадим, дея жар солиб кўксига мушгашади. Ушанда ўзганинг кўз ёшлари эвазига эришган бахтининг меvasи шу, дегани инсон топилмайди. Очигини айтсам, биринчи муҳаббатига йўллаб юрган мактублари, жазманларининг кўнгирикларичалик таъсир этмаган эди. Йиллар мобайнида эндигина тушуниб етдим: севилмаган аёлнинг, тўғривоғи, замона Зайнабининг бу кажрафтор дунёдаги сокину измсиз фарёдлари қанчалар оғиру-оғриқли эканини. Шу вақтгача бировга дил ёришни орият деб билардим. Энди ҳаммасидан чарчадим. Қачонки, бир оғиз ширин сўз эшитсам "унга инсоф берди шекилли, энди бу ёғи яхши бўлар", деган илнжда ўзимга тасалли бериб яшардим. Сабр-қаноатларим эвазига эшитганларим шу бўлди: "Анчагина қарибсан, жуда хурсандман". Унинг кўнглини топши, оиламни бир порлоқ чироққа айлантириш учун қанчалик ҳаракат қилмай, барчаси зое кетди. Ҳеч нарсани ўзгартиролмадим. Фақат ўзим алдандим.

МОҲИДИЛ

МЕНИ ТУШУНИНГ...

Мен ширин орзулар билан университет остонасига қадам босдим. Талаба бўлишдек энг юксак орзуимга эришдим. Биринчи курснинг ҳам қувноқли, ҳам ташвишли кунлари бошланди. Курсдошлар нотаниш, шундай бўлсада улар билан тезда чиқишиб дўстлашдик. Айниқса Жамшид билан дўстлигимиз беғараз ва самимий эди. Менинг назаримда Жамшид гуруҳдаги бошқа йигитлардан тетиклиги, сўзга усталлиги, ҳар қандай вазиятдан чиқиб кетиши билан ажралиб турарди. У менга ёқарди. Октябрнинг ўрталарига келиб курсдошларим бизнинг дўстлигимизга шубҳа билан қарашди. Уларнинг назарида қиз билан йигит ҳеч қандай дўст бўлолмайди, дўст бўлган тақдирда ҳам бу охири севгига айланади, дейишарди. Менинг эса бу гаплардан жаҳлим чиқар эди. Шундай кунларнинг бирида курсдошларим "باشорот" қилганидек, Жамшид менга севги изҳор қилди. Бу мен учун қутилмаган ҳол эди. Аввалига ҳазиллашяпти, деб ўйладим. Ҳар куни мендан жавоб талаб қилишидан нияти жиддийлигини сездим. Уртамыздаги муносабатимиз жуда ўзга-

риб кетди. Ундан ўзимни олиб қочадиган бўлиб қолгандим. Жамшид гапирган жойларда қизариб кетардим, тилим каламага келмасди. Балки, севиб қолгандирман деб ўйлардим.

Аниқ жавоб ололмаган Жамшид мен билан умуман гаплашмай қўйди. Қизларга, дугоналаримга ҳазил қиладиган одатларни чиқарди. Бу мени куйдириш мақсадида ўйлаб чиқилган режа эди. Қанийди, ўша пайтда олдиға бориб: "Эй йигит, нега мени қийнайсан, мени тушун, мен сени севолмайман, лекин севолмасамда сен билан гаплашгим келарди", дегим келарди-ю, бунга журъатим етмасди. Тўғри, уни кўп марта хафа қилганман, дўстлари олдида жеркиб ҳам ташлаганман. Бунинг учун ундан кечирим сўраганман-ку. Нима учун у мен билан гаплашишни хоҳламайди.

Жамшид, сиздан илтимос, агар лозим бўлса, мени кечиринг. Мен сиз билан аввалгидай дўст бўлмоқчиман. Қандай қилсам сиз мени кечирасиз? Мен сизнинг дўстлигингизга муштоқман. Мени тушунинг...

ФЕРУЗА



ЎЗИНГИЗГА ИШОНИНГ

Нилуфар опа! Сизнинг "Чимилдиқ"да чоп этилган оғриқли мактубингизни ўқиб жуда қаттиқ таъсирландим. Сиз хоҳлайсизми, хоҳламайсизми, шу турфа оламда яшашга, унда учраб турадиган қийинчиликларга чидашга мажбурсиз. Сизга битта маслаҳатим — сиз ўзингизнинг юрагингиз, қалбингизга қулоқ солинг! Инсон узидан ўтганини ўзи билади. Агар ҳақиқатан ҳам ўша одамни сепсангиз кечирингиз керак. Одамзод ҳар доим ҳам ҳақ бўлавермайди, у ҳам адашади, хато қилади. Беайб Парвардигор, дейишган-ку!

МУЯССАР, Ташкент шахри

қизқинчар, ороқ Совирнинг иштиқосон кайри ошар, боши ситилгани қолган, Доликнинг дзи эса бу ҳақда гурқ этмай, бу ёғини ўзинг топвон қабилда иш йўғди. Рақсаг мушак нозаниларга



ХАЛИМА ХУДОЙБЕРДИЕВА,
Ўзбекистон халқ шoirаси



ҚЎРҚАМАН...

Қизганиб-қизганиб севасан қизгин,
Билмайман, севгингда қай ўт, сеҳр бор?!
Рашкисан оҳ, сенинг рашкинг бетизгин,
Қўрқаман, қизганиб айларсан абгор.

Тўлқинлар ортиқча шошиб интилар,
Қайсики, манзилга етолмайди ул.
Тўфонлар дуч келиб йўлларда тинар,
Ҳаво қуруқ келиб ё қурир буткул.

Кўксингни куйдирган у жодули ўт
Жоним ипларига борар туташиб,
Кўнглим осмонида тарқалар булут,
Яширин қувончдан куйилар ёшим.

Кўксингни куйдирган у оғули ўт
Ортиқ чатнаб ёнар; қўрқув, илнжим —
Ногоҳ, ўт ўрнида қалқиб қолса дуд?!
Яширин қайгудан ёш тўқаман жим.

Қизганиб-қизганиб севасан қизгин,
Бу ишқда кўз ёшу шўх аланга бор.
Рашкисан, оҳ, сенинг рашкинг бетизгин,
Қўрқаман, қизганиб айларсан абгор.

Мен севганга ухшайманми, айт,
Сен деганда шўх найманми, айт,
Чорламасанг ўзинг ҳар лаҳза,
Мен қимтиниб йўқлайманми, айт.

Мен нетай, ҳар сенсиз онимни,
“Умрим”, — дея атамасам гар.
Қора кўзлар олса жонимни,
Тагин улар тирилтирсалар.

Бу кўзлардан қайга қочай мен,
Ё боқайин қандай ботиниб.
Сирларимни кимга очай мен —
Кимга айтай дилим додини?

Бораётир бардошим битиб,
Тушмасам ҳам гурур тоғидан.
Ёнаётир қора кўз ўти,
Мен қўрқаман куйдирмоғидан.

Қолмасин деб бу кўзлар сўниб,
Тиларман ҳар субҳисодиқ, кеч.
Севмоқликдан қўрқаман уни,
Севмасликка иложим йўқ ҳеч.

Авад сўнас муҳаббатга фидо бўлиб қўйилган.

Ўтлаб бўнас муҳаббатга фидо бўлиб қўйилган.

Сўнг нафаси келар бир кун — не тирик жон йўқилган.

Мен ҳеч қилмас муҳаббатга фидо бўлиб қўйилган.

ҲАР ГАП ЎТСА МЕНДИН ЎТДИ, СИЗДА ГУНОҲ ЙЎҚ, БЕГИМ...

Ҳар гап ўтса мендин ўтди, Сизда гуноҳ йўқ, бегим,
Ўзим сизни отдим ёраб, сўздин ясаб ўқ, бегим.
Ўйладимки, сизнинг бу ишқ қулдай сўниб тўзгандир,
Бугун нечун юрагимда лаҳча-лаҳча чўғ, бегим.

Синадимми, тирнадимми, кўнглингизни билмадим,
Чорладингиз, тошдай қотиб бирор қадам жилмадим.
Бунча сөчдай илашмаса гашлик, саркашлик билан
Ўйладим, бурилиб аммо, Сизга назар қилмадим.

Гарчанд қахрабо япроқдай авжи кўклам куйдингиз,
Аста-аста Сиз ҳам менга бурилмасдан куйдингиз.
Ўйладимки, бул қадахни қўймагайсиз тобакай,
Шунча талхми ҳажр шароби, мунча эрта тўйдингиз.

Шунда ногоҳ англадим мен, сайроқ қушдан айрилдим,
Қанотларин шитирлатиб учиб кетгач, қайрилдим.
Ўйладимки, Сизни севсам хато бўлиб чиқмасми,
Хато қилмоқликдин қўрқиб хато қилдим, тайрилдим.

Қўлларимдан учган қушим, қайта кўнгайми боққа?
Кимга айтай сирларимни, кимни тутай сўроққа?!
Донини қуш, қузгунга ем қилган ношуд деҳқонман,
Бўғдойини йигиб олмай келганда авж ўроққа.

Энди Сизнинг хотир билан иноқ суҳбат қуриб мен,
Аччиқ, аммо умидли бир дoston айтиб юрибман.
Узун-узун бу бармоқлар қуш кўнмаса на ҳожат,
Қўлларимни узатганча Сизни кутиб турибман.

Ҳар гап ўтса мендин ўтди, Сизда гуноҳ йўқ бегим...

Париждаги театрлардан бирида уз даврининг инсони, таниқли ёзувчилардан бири Виктор Гюгонинг “Лукреция Борджиа” асари қўйиладиган бўлди. Ундаги малика Негрони ролини уйнаш ёш актриса Жюльетта Друэга насиб этди. Асарни саҳналаштириш жараёнларида Виктор ва Жюльетта бир-бирларини ёқтириб қолишди.

Орадан бироз вақт ўтгач, карнавал ўтаётган кунларнинг бирида улар бирга тонг оттиришди. Бу тун икки ошиқнинг тақдирини бир-бирига боғлади. Орадан саккиз йил ўтгач Гюго Друэга ёзган хатида қирқ ёшларни аллақачон ҳатлаган адиб уша илк учрашувни ҳаяжон, меҳр, орзиқиш билан эслаганини ўқир экансиз, адиб севиш, севилишда ҳам танҳо экан-

лигига ишонч ҳосил қиласиз.

“Эсингдами, биз тонгни кутиб олган кичкинагина хона. Ташқаридан байрам қилаётган маст парижликларнинг қаҳқаҳала-

ри, қий-қириқлари эшитилар, биз эса висол дамларидан сарҳуш эдик. Сен, фариштагинам, уша тақдиримизни узгартириб юборган куннинг ҳар бир соати, дақиқаларини эслайсанми? Биз саккиз соат бирга булдик. Саккиз соат севги фуқаролари эдик. Шу дамларда вужудимизгина эмас, бутун борлигимиз, томирларимизда оқаётган қон ҳам гўё бирлашиб кетди.”

Гюго ва Друэ бир-бирларига мос эди. Жюльетта адибнинг хотинини севиклисининг ра-

БЕШ ЙИЛЛИК



фиқаси бўлгани учун ҳам беҳад ҳурмат қиларди. Жюльетта 1851 йил 27

БУКЛАР МУҲАББАТИ

декабрда Гюгога йўллаган мактубида шундай деб ёзади:

“Азизим, бечора сев-

гим, мендан хавотир олма. Мен сени оиланг тинчлиги, фаровонлиги, хотининг ва фарзандларингнинг бахти ва иқболи учун гамхўрлик қилаётганингни билиб турсам, сенга бўлган муҳаббатим янада алангаланади. Тирик экансан, узини сенга бағишлаган сабр-қаноатли рафиқангни эъзозла. У ҳаётида кўп қийинчиликларни кўрди, азобланди. Энди унинг хотиржам, бах-

тли яшаши учун ҳар нарсани аяма...”

Жюльетта ўз ҳузур-ҳаловати, бахтини уйламади. Севгилисининг тинч турмуши учун барчасидан воз кечди. Фақат Гюгони ҳеч кимга ишонмай, уни ҳаммадан қизганди. У билан бир тану бир жон бўлиб яшашни орзу қилади. Улар ўттиз беш йил пинҳоний муҳаббатнинг изтиробу, қувончлари бағрида яшашди. 1868 йилда Гюгонинг хотини вафот этади. Шундан сўнггина сочларига оқ оралаган, 60 ёшларни қоралаган Жюльетта кексайиб қолган адиб хонадонига кучиб келади. Улар 17 йил бирга яшашди. Жюльетта адибдан икки йил олдин вафот этди...



Қизларни баъзан ҳатто оналарга ҳам айтишга истиҳола қиладиган муаммолар қийнайди. Республика врачлар ма-лакасини ошириш институти қошида-га гинекология кафедрасининг ассис-тенти, тиббиёт фанлари номзоди **Ландиш ЭСОНБОВЕВА** билан

КАСАЛЛИКНИНГ ОЛДИНИ ОЛИБ

уяштирган бу галги суҳбатимиз ана шундай муаммолар хусусида бўлди.

— Ландиш Муҳаммадзакиевна, айрим қизлардаги ҳайзининг жуда тез муд-датга келиши (10-14 кунда) ёки унинг ўта чўзилиб кетиши (1,5-2 ой) нимадан дарак беради? Бу хав-флими?

— Соғлом қизлардаги икки ҳайз оралигидаги давр 21-28 кунни ташкил қилади. Бордию қизлардаги ой кўриш муддати 30-35 кунга чўзилиб кетса, бу-нинг ҳам хатарли жиҳати йўқ. Қон келиш даври икки-беш кун оралигида бўлса, бу мар-ромдаги ҳайздир. Агар унинг муддати ҳар 10-14 кунда такрорланса ёки бир ярим-икки ойга чўзи-либ кетса, бу патология-дан дарак беради, яъни қизлардаги туҳумдон стиш-мовчилигидир. Қолаверса, ҳайз муддатининг бузилиши турли сабаблар натижасида ву-жудга келиши мумкин. Нейро-эндокрин хасталиклари, шишлар, туҳумдон ва бачадоннинг касалла-ниши, экстрагенитал хасталиклар (қон ишловчи аъзолар, юрак-қон то-мир, ошқозон-ичак йўли, асаб тизи-мидаги, бирлаштирувчи тўқималар-нинг касалликлари ва бошқалар) ҳам ҳайз муддатининг бузилишига олиб келиши мумкин. Шунинг учун ҳам бордию ҳайз тез қайталанса (10-14 кун) ёки узайиб кетса (1,5-2 ой) зудлик билан шифокор-га мурожаат қилишлари керак.

— Ўсмир қизларда ўсимта — миома-лар, турли шишларнинг юзага келиши са-

бабларини тушунтириб берсангиз.

— Миома энг кўп учрайдиган шиш бўлиб, у бачадоннинг мускулли қобигида ривожланади. Миома наслдан наслга ўта-ди. Тадқиқотларга кўра, ҳар учинчи бе-морда наслдан ўтадиган миома учрайди. У қизларда камдан-кам ҳолларда бўлади. Ха-сталик баъзан у ёки бу ички аъзоларнинг фаолияти бузилиши оқибатида пайдо бўла-ди. Яъни, биринчидан, тез-тез шамоллай-диган, сурункали тонзилит ва бошқа ка-салликлар билан оғрийдиганларда, иккин-чидан, нейроэндокрин тизими, яъни қан-дли диабет, семириш хасталигига учраган-ларда, учинчидан, сурунка-ли гастрит,

гепатит, холицистит сингари хас-таликлар билан оғриганларда миома уч-раши мумкин. Ундан ташқари жинсий аъзо-нинг сурункали шомолаши, аввалги ҳоми-ладорлик ва туғиш пайтида қолган асорат-лар: тез-тез аборт қилиш, бола тушиши, кўп қон йўқотиш, туғишга тезкор тиб-бий аралашувга мажбурлик ҳам миомаларга сабаб бўладиган ҳолатлардан ҳисобланади.

— Ўсмир қизларнинг та-носил касалликларидан эҳтиётла-ниш чоралари тўғрисида ҳам маъ-лумот бериб ўтсангиз.

— Қизларимиз таносил касал-ликларидан сақланишлари учун энг аввало ўрин-кўрпалари, со-чиқ ва ювинадиган буюмларини алоҳида тутишлари керак. Икки ҳайз оралигида таҳорат қилишлари шарт. Турмушга чиққан: ёш аёллар ҳайз пайтида ўзларини алоқадан сақ-лашлари керак. Ёпиқ сув ҳавзалари, ифлос ҳовузларда чўмилиш саломат-ликка жиддий путур етказиши. Тоza сувли очиқ ҳавзада чўмилгандан кейин ҳам албатта душда ювиниш, кийимларни куруғига алмаштириш зарур. Никоҳдан ташқаридаги жинсий алоқа ҳам таносил касалликларига сабаб бўлади. Қизлар овқ-атланишига жиддий эътибор беришлари ҳам айни муддаодир. Кўпроқ янги узилган мева-сабзавотларни истеъмол қилиш мақ-садга мувофиқдир. Аксарият қизлар ўпи-шиб кўришиш ва бир-бирларининг лаб бўёқларидан фойдаланишни одат қилиб олишган. Бу мутлақо нотўғри, чунки та-носил касалликлари сўлак орқали ҳам юқиши мумкин. Бир сўз билан айтганда, касални даволагандан кўра, олдини олган маъқулроқдир.

НОЗИМА суҳбатлашди

РАСИДА БУСАҒАСИДА

Савол жавоб

САВОЛ: Маълумки, ўғил болаларда улғайиш 14-15 ёшдан оқ бошланади. Агар улар шу пайтдан жинсий муно-сабатларни бошлаб юборишса, бу кей-инчалик жинсий заифликка олиб кел-майдими?

БЕХЗОД, Ангрэн шаҳри

ЖАВОБ: Аввало жинсий маънода-ги улғайиш нима эканлигини англа-моғимиз жоиз. Ўғил болаларда содир бўладиган кўзғалиш дея таъриф эти-лувчи эрекция икки хилда бўлади. Спонтан эрекция барча эркакларда, ҳатто болаларда ҳам эрталаб тургани-да кузатилувчи ҳолат, унинг жинсий майлга даҳли йўқ. У пешоб қопчаси ёхуд тўғри ичакнинг тўлиб кетиши натижасидир. Яъни, говак гор-симон таначаларга келган қоннинг орқага қайтиб ке-тиш йўли қисман ёпилади. Адекват эрекция эса айнан балоғат ёшидаги кўзғалиш ифодасидир. Йигитнинг бошқа жинсга бўлган май-ли балоғатнинг бошқа бел-гилари билан бирга кечади.

Охириги пайтларда, акселе-рацияга мувофиқ тарзда ўғил болалардаги жинсий кўзғалиш 14-15 ёшдан эмас, ҳаттоки 11-12 ёшдан ҳам бошланаётир. Бу ас-римиздаги ахборот кўплиги, шаҳ-воний таъбиротларнинг салбий оқибатидир.

Оқил табиат балоғат ёшидаги ҳиссиётлар метёр-мувозанати-ни сақлаш мақсадида ўғил бо-лаларга эҳтилом, яъни уйқудаги булғаниш ҳолатини ато этган. Айниқса, ўсмирлик ёшида ҳис-сиётлар жиловини қўлдан бериб қўйиш, яъни онанизмга ружу қилиш ёхуд интим муносабатга интилиш ўта кучаяди. Аммо бу ёшдан жинсий му-носабатга берилиш кўплаб хатарли асоратларга олиб келиши мумкин. Шу боис ўсмирлар шаҳвоний тарғибот-лар оғушидан йироқ бўлишлари тав-сия этилади.

САВОЛ: Яқинда 19 ёшга тўлдим. Уйдагилар тезроқ оилани бўлишимни хошлашапти. Умуман, мутахассислар фикрича, неча ёшдан турмуш қуриш мақсадага мувофиқ?

ҒАЙРАТ, Нуробод тумани

ЖАВОБ: Охириги пайтларда Ғарбда кеч турмуш қуришни тавсия этиш ку-чайиб кетганлиги сир эмас. Никоҳга-ча бир-бирини ҳар жиҳатдан синаш, дея таърифлаиб, аслида зинокорлик-ни тарғиб этувчи бу фикрлар мутлақо асоссиздир. Танамиз газираларидан бири, яъни жинсий муносабатга эҳти-ёж албатта никоҳни талаб этади. Шу боис кўпгина ота-оналар фарзандла-рининг эртароқ оила қуришини хоҳ-лашади. Тиб илми бўйича ҳам сиз-нинг ёшингизда оила қуриш эрта ҳисобланмайди. Аксин-ча, охириги пайтларда кеч уй-ланаётган ёшларда димлан-ган простатит, яъни шаҳват-нинг тўлиб кетиб, эрлик безининг яллиғланиш ҳолатлари кўп учрамоқ-да. Аммо йигитлар бир-ор касбнинг бошини тутиб ўзи мустақил оила тебрата оладиган вақтида уйланишини тав-сия этамиз.

САВОЛ: Бир неча йилдан буён баъзи-баъзида жинсий аъзоларим худудидан кичик без пайдо бўлиб, борган сари йи-риклашиб боради ва ёрилади. Гоҳида уни ўзим сиқиб таш-лайман. Бу жиддий хасталик эмасми?

ЙЎЛДОШ, Конимех кўрғони

ЖАВОБ: Табобатда жиддий бўлмаган дарднинг ўзи бўлмайди. Сиз айтиётганга ўхшаш ҳолат кўпинча гигие-ник қоидаларга риоя қилмас-лик, ўз пайтида ювинмаслик, ички кийимларни вақтида алмаштирмаслик ёхуд сунъий толадан тикилган, тор кийимлар кийиш натижасида юзага келади. Шунингдек, бу оддий неодер-мия, яъни тери йиринги касалликла-рининг бирор тури бўлиши ҳам мум-кин. Умуман, аниқ ташхис фақат му-тахассис кўригида аниқланиб, сўнгра даволанилади. Шу боис ҳеч тортин-май шифокорга мурожаат этишни маслаҳат бераман.

Ўқтам МУҲАММАД МУРОД тайёрлади

Кўпчилик аёллар аборт-нинг оғир асоратларга олиб келишини билмайдилар, у ҳақда хабардор бўлганлар эса бу опера-цияга бепарво қарайдилар.

Бу усул маълум ҳолат-ларда тиббиёт кўрсатмала-рига кўра — ҳомиладор аёл соғлиғига ёмон таъсир этса, бирон касаллик ту-файли оғир асоратлар юз берадиган бўлса, шунинг-дек, туғиш онанинг ҳам, боланинг ҳам соғлиғига хавф солса, аёлга туғиш мумкин бўлмайдиган ҳолда, ота-оналарнинг руҳий ва ирсий касалликлари, туғма нуқсонли бола туғилиши хавфи борлиги, организм-нинг физиологик жиҳатдан етилмаганлиги (16 ёш ва бундан кичик бўлиши), шу-нингдек, аёлнинг бола ту-

ғиш функцияси сўнаётган ёшда (45 ёш ва бундан кат-та) бўлган ҳоллардагина ҳомиладорликни сунъий тўхтатишни табобат илми маъқуллайди.

Аммо кейинги пайтларда бу усулдан аксарият аёллар туғишни хохламаган ҳолда ҳомиладор бўлиб қолса, баъзан турмушда учрайди-ган кўпгина сабабларга кўра ҳомиладор бўлганида фой-даланилмоқда. Бу эса аёл орга-низмга салбий таъсир қилиб, оғир асоратларга олиб келади.

Абортнинг асоратлари куй-идагилар: ҳомиладан қолдиқ қолиши мумкин, чунки опера-ция тусмоллаб, кўз билан кўрмасдан қилинади; бача-дон тешилиши, қон кетиши

мумкин. Бу ҳол кўпинча бир неча марта аборт қилдирган, шунингдек, ўзларича ҳар хил воситалар билан болани ту-ширишга уринган аёлларда кузатилади.

Аборт

қил-дирган-дан кейин орадан озми-кўпми вақт ўтгач, шундай асоратлар юз бериши мумкинки, бунда жинсий органлар яллиғла-ниш касалликлари рўй бера-

ди, яъни ҳайз цикли бузила-ди, бачадондан ташқарида бола бўлиб қолади ёки аёл-нинг бўйида бўлмайди.

Менимча, ҳақиқий шифо-кор абортнинг оғир оқибат-ларга олиб келиши ҳақида ёшларга доимо ўқтириши ке-рак. Чунки аборт аёлнинг са-ломатлигига путур етказиши билан бирга бефарзандлик-ка ҳам сабаб бўлади. Бундай

аёлларнинг кўпинча бола-си тушади, ҳоми-ланинг ривожланиши ва туғруқ фаолиятида турли бузилишлар келиб чиқади. Айниқ-са, биринчи ҳомилани олди-риш жуда хавфли, бу опера-ция аёлни бир умрга бахт-сиз қилиб қўйиши мумкин.

Одатда абортдан сўнг 1,5-2 йилгача ҳомиладор бўлмас-лик тавсия этилади. Шунга


кўра туғиш учун энг яхши бўлган даврда 24-28 ёшда аборт қилдирилса, анча кейинроқ туғишга тўғри келади. 30 ёшдан ошгандан кейин ҳомила-дорлик кўпинча турли асоратлар билан кечади, ҳомиланинг ривожлани-шига ва бўлажак фар-занд соғлиғига таъсир этади.

Айрим пайтларда аёл фалончи яхши шифокор, кўрқмасдан аборт қил-дирсам бўлаверади, де-ган фикрга ҳам келади. Йўқ, бу ишни жуда таж-рибали шифокор амалга оширганда ҳам асорат-лар туфайли организмга салбий таъсир юз бери-ши мумкин.

М.СОДИҚОВА, профессор



УНИНГ АСОРАТИ ЙЎҚ, ДИМИСМИ?



Ҳазорасп туманидаги Мухомон қишлоғида катта тўй бўлиб, етти маҳалла аҳли йиғилган никоҳ кечаси то ярим тунгача давом этди. Равшанбек билан Наргизанинг (келин ва унинг қариндошларининг исми-шарифи ўзгартириб берилмоқда) бахтини тилаб эзгу истаклар билдирилди.

Афсуски, висол қасрига не-не эзгу-истаклар билан қадам қўйган бу икки ёшнинг сахармардонга етмай сарбаланд тутган муҳаббат жами чил-чил синди...

Хоразмликларда бир одат бор. Тўй даҳмаси, югур-югурларидан чарчаган куёв ва келинни ўша кун чимилдиққа киритиб қўядилар. Бу икки ёшнинг ҳам руҳий, ҳам жисмоний жиҳатдан толиққанлиги сабабли биринчи кечанинг анча хижиллик билан ўтишига сабаб бўлади.

Равшанбек ҳам оппоқ харир либосларга бурканиб ўтирган Наргиза билан хонада ёлғиз қолганида тун ярмидан олган эди. Анча пайтдан буён бир-бирини севиб юрган куёв тонг отарда тун бўйи эшик пойлаб чиққан янгаларга қаҳрини сочди: "Бунингиз ифатсиз экан," - деган сўзларидан уларнинг азойи-баданлари музлаб кетди. Ахир улар учун бундан ортиқ шармандалик йўқ эди, бу ёруғ жаҳонда. Чошгоҳда бошларига катта таванларни

қўндириб келинсаломга келган қудаларни куёвнинг яқинлари душмандай совуқ қарши олдилар.

— Қизингиз беномус экан. Тўйга сарф этилган маблағни қайтариб беринглар-у, қизларингизни олиб кетинглар, - деб куёв томон талаб қўйди.

Бундай беномусликка чидамай, келиннинг онаси пул топиб келишга кетди. Наргизанинг онаси Замира ва синглиси Муқаддаслар гаровга ушлаб қолинди...

Вақт имиллаган тошбақадек ўрмаларди. На талаб қилинган пулдан, на келиннинг яқинларидан дарак бўлмади. Файзсиз тўйхонага йиғилган оналари Бобоҳон, Тўрабой ва поч-

— Опаннинг ифатини сен тўлайсан, - деди сархушликдан кўзлари ҳирсдан сузилаётган Равшанбек ечина бошларкан. Муқаддас додлаганича эшик томон югурди. Эшик кулф экан. Йигит чўнг панжалари билан унинг ожиз ва нимжон билакларига чангал солиб, кечагина ўз опасига бахтлиқ тағмаси бошилган тўшакка силтаб ташлади. Муқаддас поччасининг оёқларига юз-тубан йиқилганича зор зор йиғлаб ялиниб-ёлворди: "Жон оға, бахтимни поймол қилманг. Сабр қилинг, яна бир о з кутинг. Ота-онам сизлар талаб қилган пулни топиб келтиришади."

Бироқ мастликдан ақли жиловланмаган йигит бу сўзларни тинглагиси келмасди. Бегуноҳ синглисининг кўз ёшларию, ўтинчларини кўрага кўзи йўқ эди. У қасоскор оч бўридай Муқаддасга ташланди.

Жумағул опа ИИБ ходимларини бошлаб келганида, афсуски кеч эди. Ҳаттоки Наргизанинг тўйдан олдин Равшан билан бирга бўлганлиги ҳақидаги кўрсатмаси ҳам бир бегуноҳ қизни асраб қололмади.

Ҳазорасп туман халқ суди биносиди И. Ёдгоров раислигида бўлиб ўтган суд мажлисида чимилдиқда юз берган ушбу жиноят иштирокчилари бўлмиш куёв Равшанбек Султонов, унинг акалари Бобоҳон, Тўрабой ва поччаси Баҳодир ҳамда опаси Саломатларга қонунда белгиланган жазо тайинланди.

Раҳматжон ҲУСАИНОВ,
Хоразм вилояти
прокуратураси
терговни назорат қилиш
бўлими бошлиғи.
Эрпўлат БАХТ,
"Туркистон" мухбири

ТУРКЛАР ҚИЗЛАРИНИ ПАЙШАНБАДА УНАШТИРАДИ

дейди мен билан суҳбатда туркиялик ХАДУЧА хоним

— Эшитишимча, туркларда ўғил уйлантириш, қиз чиқариш кўпроқ ота-она хоҳиши билан бўлар экан. Шу ростми?

— Тугри. Бизда асосан ота-она хоҳиши устун, лекин икки ёшнинг муҳаббатига ҳеч ким тўсқинлик қилмайди. Йигит ва қиз бир-бирини севиб, анча синашгандан сунг, йигит томондан қизнинг уйига икки аёл совчи бўлиб боради. Қудалар бир-бирларини суриштиришгач, розилик беради ва унаштириш маросими белгиланади.

— Қизларнинг айнан пайшанба кунинда унаштирилишига сабаб нима?

— Бу бизнинг қадимги одатларимиздан ҳисобланади. Ота-боболаримиз бу кунни энг қутлуг кун деб билганлар. Диний томондан ҳам хосиятли ҳисоблангани учун, шу кун келин-куёвлар унаштирилади.

— Унаштириш маросими қандай ўтади?
— Қиз йигитга фотиҳа қилинади. Келиннинг оиласи қудаларга шарбат тарқатади. Бу шарбат маросими икки ёшнинг кейинги ҳаёти ширин бўлсин, иноқ, тотув яшасин, деб қилинади.

— Тўй оқшомининг энг кизиқ палласи...
— Келин-куёвнинг бир-бирларига узук тақиши ва тўй охирида уларнинг рақсига тушиши қизиқарлидир.

— Қадимда турк туylариди эркаклар бир гуруҳ бўлиб рақс тушишган экан. Ҳозир ҳам шу анъана борми?

— Бусиз бизнинг фақат эркаклар, ҳатто шиб, бутун давради. Ким чарчаси, уртага қиб кетади. Уйин бир этади ва ўша қолганларнинг ярмини ўзи олакўёвнинг устидан сочади.

— Ҳозир турк туylар анъанага айланган?

— "Ҳабибий", "Араваси бор", "Ринна-ринна-рин-ёрум" кўшиқлари туylаримиз кўрки ҳисобланади.

— Қайнона ва келин муносабатлари қандай?

— Келин яхши бўлса, қайнона унга ёмонликни раво қурмайди. Агар келин ёмон чиқса, қайнона билан кунда жанжал кутарилади. Келин қайнонасини ўз онасидай қуриши, хурмат қилиши керак. Акс ҳолда қайнона ва келин ўртасига тушган совуқчилик оиланинг бузилишига олиб келади. Чунки турк қайноналари жуда жаҳлдор бўлишади.

— "Келин салом" ҳақида ҳам гапириб берсангиз.

— "Келин салом" тўй оқшомининг эртасига бошланади. Келин миллий кийимларни кийиб, юзига ҳижоб тортади. (Ёмон ниётли кишиларнинг кузи юзига тушмаслиги учун). Сунг, аввал унг қўлини, кейин чап қўлини кутаради ва икки қўлини куксига қўйиб, уч мартадан таъзим қилиб, салом беради.

— Аввал кимга таъзим қилинади?

— Энг аввало Худога, сунг ота-она ва қариндош-уруғларига навбат билан салом қилинади.

"Туркистон" мухбири
Зиёда АШУРОВА суҳбатлашди

Корейс миллий никоҳ маросими 3 босқичдан иборат: сонре, понре, хуре.

Биринчи — сонре босқичида оилавий йилномага куёвнинг туғилган йили, ой-кўни ёзилади. Келиннинг уйига сеп жўнатиллади. Юборилган совғалар ичида кўк ва қизил илак матолар ва йигитнинг уйланиш ҳақидаги билдириш қағози албатта бўлиши керак.

Иккинчи — понре босқичида

отадан фотиҳа олади. Келиннинг отаси ҳам қизига насиҳат қилади: "Чаққон бўл, қизим. Зийрак ва фаросатли бўлгин, ёлгон гапирмагин". Никоҳ маросимида ишонч ва эзгулик рамзи сифатида турналардан фойдаланилади. Чхинён маросими келин ва куёвнинг таъзимидан кейин тугайди.

Учинчи босқич хуре — йигитнинг куёв сифатида келиннинг уйига меҳмон бўлиб ке-

КОРЕЙСЧА ОДАТ

Чхинён — келин ва куёвнинг учрашув маросими бўлади. Бу маросимдан кейингина келин-куёвлар анъанавий ўзаро муомалага киришишади.

Чхинён кун куёв тўй либосида отасининг олдига келиб, чхинён маросимига кетаётганини айтади. Отаси эса: "Боргин ва келинни кутиб ол, наслингни давом эттир, меҳнатсевар, эҳтиёткор, қатъий бўл," дейди. Ўғил бунга жавобан: "Ҳаракат қиламан, лекин қўлимдан келармикан?" дея

лиши. Бу босқичдаги маросим бир неча кун давом этади. Чхинёндан кейин эртаси кун келин қайнона-қайнотасига келин салом, таъзим қилади. Таъзим вақтида қайнона-қайнона олдида стол туради. Унда қайнона ва куёв учун олхўри ёки қайнона учун янги сўйилган мол гўшти бўлиши керак. Чхинёндан 3 кун кейин маросим оборувчиси келинни муқаддас жойга (садан)га таъзим қилишга олиб боради.

Чарос НИШОНОВА

ТУШИНГИЗНИ БИЗГА АЙТИНГ

Севгилингизни ўйлаб, тонгга қадар ухламадингиз. Кун ёришиб, муҳаббатингиз маликаси ёки шахзодаси висолига етай деганингизда туш кўрдингиз. Уйғониб, каловланиб қолдингиз. Ишқилиб, хайрли бўлсин. Тушингиз таъбирини "Чимилдиқ"дан қидиринг.

Оврупа халқларининг таъбирига кўра:

Бўш челақ — севгилингиз билан орангиздан ола мушук ўтади. Агарда тўла бўлса — совға оласиз.

Санчки — суйганингиз сиздан аразлайди.

Бўри — кўпинча уни душманга тенглашади, аммо қиз бола тушида бўри кўрса — совчи келади.

Ўғри — кимдир сизга хуштор.

Дарвоза — севгилингиз йўлида тўсиқлар пайдо бўлди.

Бошга ёпинадиган рўмол — шахсий ҳаётингиздаги сир, қизлар кўрса — тез орада бой одамга турмушга чиқади.

Кимнингдир кўзини кўрдингиз — шахсий ҳаётингизда ўзгариш бўлади.

Каптарлар — севишганлар бўса олишади.

Тушда аччиқ нарса ейиш — севганингиз сиздан хафа.

Момақалдиқ — йигитингиз ҳақида қайғуринг.

Аёл кўкраги — севишганлар бахтли бўлади.

Пардоз қилган хоним — йигитингиз ҳақида

миш-мишлар тарқайди.

Тозаланган ҳовли — муҳаббат изҳори.

Яшил дарахт — кимнидир севиб қоласиз.

Кўёшли кунда ёмғир — учрашувга таклиф.

Аждарҳо — бой-бадавлат киши сизни ёқтиради.

Тутун — жанжалдан дарак.

Арча — йигит совға беради.

Тушда овқат ейиш — сержаҳл рақибангиздан эҳтиёт бўлинг.

Сариқ ранг — ҳар хил гийбатлар.

Девор — севишганлар фироғи.

Тонг отиши — хушхабар.

Ойна — яқин одамнингиз сизни алдайди. **Унда ўзингизни кўрсангиз** — узоқдан хушхабар ёки ҳаётингизда ўзгариш кутилади.

Кулф — йигит сизга севги изҳор қилади.

Оппоқ тишлар — омад; уларни тозалаш — кутилмаган меҳмон ташрифиди.

Тишларингизни кўрсатиб кулсангиз — сизни бирданга икки йигит севиб қолади.

Кўш уяси — никоҳ.

Эҳтиросли, бўялган лаблар — хоинлик.

Туя — рашк.

Чиройли нарсаларни кўриш — бахт, орзулар рўёби.



С О Ф И Я. Буюк Британия Бош вазири Тони Блэр бир кунлик ташриф билан Болгарияга келди. У болгариялик ҳамкасби Иван Костов билан ўтказилган музокаралардан сўнг бўлиб ўтган матбуот анжуманида Косово можаросини сиёсий йўл билан ҳал қилиш чораларини топиш учун НАТОнинг Югославияга нисбатан амалга ошираётган ҳарбий операциясини 48 соат муддатга тўхтатиш эҳтимолини рад этди. Буюк Британия Бош вазири Белград маъмурияти НАТО талабларини охиригача бажармаса, бомбардимонлар тўхтатилмаслигини яна бир бор таъкидлади.

Х Х Х

В А Ш И Н Г Т О Н. АҚШ ҳукумати Шимолий Кореяга кўшимча равишда яна 400 минг тонна озиқ-овқат етказиб беришга қарор қилди. Давлаф котиби Мадлен Олбрайтнинг сўзларига қараганда, Вашингтон маъмурияти БМТ жаҳон озиқ-овқат дастурининг КХДРга тезриш тўғрисидаги жавобан шундай йўл тутган.



АҚШ илгари ҳам Шимолий Кореяга гуруч, галла, куруқ сут сингари озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб берган эди. Кўшимча ёрдами ҳисобга олганда АҚШнинг КХДРга бу йил кўрсатадиган кўмаги ҳажми 600 минг тоннага етади.

Х Х Х

Х А Р Т У М. Судан қуроли кучлари кўзғолончилар билан ярашувни бузиб, мамлакат жанубидаги Акак шаҳрини бомбардимон қилди. Бу ҳужум Судан халқ озодлик армияси исёнчиларини қаттиқ газаблантирди. Исёнчиларнинг Найробидаги вакили Жастин Йаакнинг сўзларига қараганда, икки ўртадаги қуроли можаро қайтадан бошланиши аниқ.

Судан халқ озодлик армияси 1983 йилдан буён мамлакатнинг жанубий туманларига кенг мухторият ҳуқуқи берилиши учун курашиб келади. Мамлакат шимолидагидан фарқли ўлароқ, бу ҳудудда, асосан, насронийлар яшайди.

Х Х Х

Л И С С А Б О Н. Португалия ҳукумати Гвинея-Бисау билан ҳарбий-техник ҳамкорликни кенгайтиришга тайёр. Мамлакат мудофаа вазири Жозе Вейгу Симау Африкадаги мазкур давлат делегацияси вакиллари билан ўтказилган музокаралардан сўнг шу ҳақда маълум қилди.

Португалия мудофаа маҳкамаси раҳбарининг сўзларига қараганда, Гвинея-Бисау қуроли кучларига ёрдам бериш режаси ишлаб чиқилган. Унга кўра, Гвинея-Бисауга ҳарбий кадрлар тайёрлаш, алоқа воситаларини тақомиллаштириш ва тегишли инфратузилмани яратиш учун 200 миллион эскудо /1 миллион доллардан ортиқроқ/ миқдорда маблағ ажратилади.

Х Х Х

З А Н З И Б А Р. Бу ерда Африка аёлларининг тинчлик муаммоларини ечиш ва қитъада зўравонликни чеклашга бағишланган анжуман очилди. У ЮНЕСКО ва Африка бирлиги ташкилоти шафёлигида ўтказилмоқда.

Анжуманда ЮНЕСКО Бош директори Федерико Майор сўзга чиқди. У Африка аёлларини қитъа маданиятини ривожлантириш ташаббускори бўлиш ва минтақада тинчликни сақлаш ишларида фаол иштирок этишга чақирди.

Х Х Х

Л И С С А Б О Н. Португалия ташқи ишлар вазири Жайми Гама икки кунлик амалий ташриф

НАВБАТ - БОШ ВАЗИР МАСАЛАСИНИ ҲАЛ ЭТИШГА

Маълумки, кейинги вақтларда Россия жамоатчилигининг қаттиқ ташвишига сабаб бўлган воқеа - Президент Борис Ельцинни лавозимидан кетказиш бўйича Давлат Думаси бошлаган иш муваффақиятсиз тугади. Мазкур масала бўйича Думада ўтказилган овоз бериш чоғида депутатлар Президент Б.Ельцинга қўйилган айблар бўйича импичмент жараёнини бошлаш учун етарли овоз тўплай олмадилар.

Дума депутатларининг 300 нафари Президентга қўйилган айбларнинг лоақал биттасини маъқуллаб овоз берса, жараён бошланиши мумкин эди. Бироқ бешта айбнинг биронтаси бўйича ҳам парламентдаги сўл кучлар кутан овоз олинмади.

Дейлик, энг кўп овоз олинishi қўйилган - 1994-1996 йилларда Чеченстонда ўтказилган урушни ноқонуний бошлаган, деб қўйилган айблов ҳам ўтмади. Мазкур масала бўйича Думада 283 киши ёқлаб овоз берди. 43 депутат бу урушни конституция доирасида амалга оширилган, деб топди.

Шундай қилиб, Россия халқини иқтисодий қийинчиликларни ҳам маълум муддатга эсдан чиқаришга мажбур қилган ҳолиса ўзининг мангикўй якунига келди. Гарчи, сиёсий муҳолифат Б.Ельцинни мамлакат ақли қўллаб-қувватламайпти, дея жар солаётган бўлса ҳам, халқ вакиллари - депутатларнинг маълум қисми ўз Президентини айбсиз деб



Ҳаёт-маълум

Айни тей-Б.Ельцин сиёсати билан боғлиқ яна бир шов-шувли иш - Евгений Примаковни Бош вазир лавозимидан истефода чиқариш ва ўрнига Бош вазирнинг биринчи ўринбосари ҳамда мамлакат ички ишлар вазири сифатида ишлаб келаётган Сергей Степашинни тайинлаш масаласи ҳам ҳал бўлиш маррасига етганга ўхшайди.

17 май кунин С.Степашин Федерация Кенгаши мажлисида иштирок этди ва сенаторлар ҳузурда ўз қарашларини баён қилиб, нуқт сўзлади. Унинг маърузасини аксарият сенаторлар яқин қаршилаган. Маълумотларга қараганда, С.Степашиннинг маърузаси асосан иқтисодий масалаларга тааллуқли бўлган ва унда Президент маъмуриятига маъқул келадиган гоёлар кўтарилган. Шундай бўлса ҳам, унинг мамлакатни иқтисодий таназзулдан олиб чиқиш борасидаги қарашлари Е.Примаков ҳукумати қарашларидан деярли фарқ қилмади, бу эса Президентнинг аввалги ҳукуматини истефода чиқаришдан сиёсий мақсадлар кўзда тутилганини яна бир бор исботлайди.

Шунингдек, маҳаллий қузатувчилар С.Степашин ҳукумати ўз ўтмиш-дошидан кўра қатъийроқ ҳаракат қилишга қобил эканини таъкидламоқда. Жумладан, С.Степашиннинг "халқ ва ҳукуматни алдиб келаётган, мамлакатдан пулни олиб чиқиб кетаётган" оғти йирик банкдан фаолият юритишга ҳуқуқ берувчи лицензияни қайтариб олишга қарор қилгани ҳам шундан далolat беради. Бу қарор С.Степашиннинг Бош вазир этиб тасдиқланиши ёки тасдиқланмаслигидан қатъи назар, амалга оширилиши ҳақидаги баёнот эса янги ҳукуматнинг ишга қаттиқ киришганидан далоятлир.

Нима бўлганда ҳам, Россия сиёсати ички можаролардан бироз қутилган кўринади. Бироқ Дума С.Степашин номзодини маъқулламаса, бу қарама-қаршилик янгидан бошланиши эҳтимолдан холи эмас.

**Мусулмон НАМОЗ,
Ўза шарҳловчиси**

билан ХХРга жўнаб кетди. Ушбу ташрифдан кўзланган мақсад Португалия назоратида бўлган Аомин (Макао) вилоятининг шу йил 20 декабрда Хитой тасарруфига ўтиши билан боғлиқ масалаларни муҳокама қилишдир.

1987 йил 13 февралда Португалия ва ХХР ҳукуматлари Аоминга Хитой таркибидаги махсус туман мақоми берилиши тўғрисидаги қўшма декларацияни имзолаган эди. Лекин айни пайтда икки ўртада баъзи ҳал қилинмаган масалалар мавжуд. Жумладан, Аоминдаги Португалия фуқаролигига эга 100 мингга яқин аҳолининг янги махсус туманда қандай фуқаролик ҳолатида бўлиши ва ҳуқуқлари бўйича ҳали келишувга эришилмаган.

Х Х Х

П Р А Г А. Саноат ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг рақобатбардорлигини ошириш, иқтисодий ўсишга эришиш, янги иш ўринлари ташкил этиш ва ижтимоий яқдиллик Чехия ҳукумати томонидан маъқулланган стратегик режанинг асосий йўналишларидир. У мамлакатнинг Европа Иттифоқига аъзо бўлишини тезлатишга қаратилган. Чехия ҳукуматининг расмий вакили Либор Вацек шуни маълум қилди. Унинг айтишича, мазкур режа ЕИ раҳбар органлари эътиборига ҳавола қилинади ва улар шу йилнинг кузида ўз ҳулосасини баён этиши лозим.

Х Х Х

Н Б Ю - Й О Р К. БМТ Хавфсизлик Кенгаши аъзолари Босния ва Герцеговина бўйича тинчлик битимини ҳаётга тадбиқ этишни келажакда ҳам давом эттириш зарурлигини таъкидлади. Бу ҳақда Кенгашнинг мазкур ойдаги раиси габолик Дэнес Данг Ревака маълум қилди. Унинг сўзларига қараганда, Косово можароси бутун Болқон минтақасидаги вазиятга салбий таъсир кўрсатаётганига қарамай, Босния ва Герцеговина бўйича тинчлик битимини бажариш жараёни давом этмоқда. Бироқ илгари бу мамлакат ҳудудини тарқ этган қочқинларнинг ўз юртига қайтишга шўшилмаётгани Хавфсизлик Кенгашини ташвишлантирмоқда, деди Д.Ревака.

Х Х Х

В И Л Н Ю С. Литва раҳбари Валдас Адамкуснинг таклифига биноан Германия Президенти Роман Герцог икки кунлик ташриф билан бу ерга келди. Хабарларга қараганда, Литва ва Германия давлат бош-лиқлари икки томонлама муносабатлар, Европа Иттифоқи ва НАТОнинг кенгайтириш масалалари ҳамда Болқондаги вазият ҳусусида музокаралар ўтказди.

Р.Герцогта германиялик тадбиркорларнинг катта гуруҳи ҳамроҳлик қилмоқда. Улар Литва иқтисодиётига сармоя ётқизиш имкониятларини ўрганмоқчи.

Х Х Х

Н Б Ю - Й О Р К. БМТ Бош котиби Кофи Аннан Суданда ҳукумат кўшинлари ва кўзғолончилар ўртасида қақшатқич жанглр бошланганидан ташвиш билдирди.

Судандаги ҳарбий тўқнашувлар мамлакатда шундай ҳам ташвишли бўлган вазиятни янада оғирлаштирмоқда. Жумладан, халқаро ҳамжамятнинг Судан аҳолисига озиқ-овқат ёрдами кўрсатиши ҳам қийинлашяпти.

К.Аннан БМТ ходимларининг ўз инсонпарварлик фаолиятини давом эттириши учун урушаётган томонларни илгари эришилган келишувга қарши амал қилишга чақирди.


КВАДРАТГА (соат милл бўйича):

1. Амударё қирғоғидаги шаҳар.
3. Абдулла Қаҳҳор асари.
5. Пойтахтимиздаги ишлаб чиқариш корхонаси.
7. АҚШдаги штат.
22. Барот Исроилнинг шеърлар тўплами.
23. Тилишуносликка оид атама.
24. Қимматбаҳо тош.
25. Алоқа тури.
40. Жуфт туюқли ҳайвон.
41. Ўзбекистондаги вилоят маркази.
42. АҚШдаги дарё.
43. Бадиий тасвир воситаси.
58. Жаҳон аҳборот идораси.
59. Жанубий-шарқий Осиёдаги давлат.
60. Рангли тош.
61. Баҳор даракчиси.
76. Уқув маскани.
77. Андижондаги дарё.
78. Венерия пойтахти.
79. Кимёвий унсур.

БҮЙИГА:

2. Кўйлак ва даланинг бир қисми.
4. Машҳур ёш ўзбек кўшиқчисининг исми.
6. Ўзбекистон ҳудудидаги қадимий давлат.
11. Қимматнинг акси.
12. Африкадаги тоғлар тизмаси.
13. Хотин-қизлар кийими.
14. От абзали.
19. Қишқи спорт анжومي.
20. Ҳинд адиби.
21. Тик усувчи дарахт.
29. Туркиядаги шаҳар.
30. МДХ мамлакатларида яшовчи миллат.
31. Балиқ номи.
32. Мевали дарахт.
37. Пақпакана бўйи бор, етти қават тўни бор.
38. Ҳисоботни тасдиқлаш ҳақидаги ҳужжат.
39. Спорт тури.
47. Ўзбек халқ рақси.
48. Қаршининг қадимий номи.
49. Енгсиз кийим.
50. Қадимий ўлвоч билиги.
55. Мансабдор шахс.
56. Ўшқакли кичик кема.
57. "Илиада"даги образ.
65. Спорт тури.
66. Кесувчи асбоб.
67. Қуёш.
68. Нишолда тайёрлашда фойдаланиладиган ўсимлик.
73. Болтиқ бўйидаги шаҳар.
74. Аҳмад ал-Фарғоний тугилган макон.
75. Шарқ мамлакатларидан бирининг давлат тили.

Б О Ш Қ О Т И Р М А



ЭНИГА:

8. Ўғил болалар кўлини "халоллаш" тўйи.
9. Дуккакли ўсимлик.
10. Тўқима буюм.
15. Сурхон воҳасидаги туман.
16. Юнистонлик антик фалсафанинг илк намояндаси.
17. Маълумот берувчи китоб.
18. Фарбий Африкадаги энг баланд тоғ.
26. Хотин-қизлар наشري.
27. Африкадаги давлат.
28. Витаминга бой мевали дарахт.
33. Қадимги ой номи.
34. Аёллар безаги.
35. Мусулмонларнинг муқаддас қабаси.
36. Баҳор гули.
44. Оёқлари узун йирик қуш.
45. Европа давлатларидан бирининг пул бирлиги.
46. Қадимий амалий безак санъати.
51. Атлантика океани ҳавзасига кирувчи денгиз.
52. Онт.
53. Ўзбек халқ шоири.
54. Автомобиль "қалиши".
62. Транспорт тури.
63. "Хамса"даги бош қаҳрамон.
64. Расмий ёзма мурожаат.
69. Меҳнатга ёрдамчи ҳайвонлар абзали.
70. Шарқ аёлларини таранум этган чехословак адиби.
71. Нон тури.
72. Афсонавий қуш.
80. Уй ҳайвони.
81. Ўзбек тилидаги сўз туркуми.
82. Футболчи Марадоннанинг насаби.

Тузувчи: Рўзибой АЗИМ

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қонғилар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази томонидан Ражабов Бахтиёр Барноевич номига берилган 1107-гартий рақамли 1 даражали маъка гувоҳномаси ўз кўчини пуқотган деб ҳисоблансин.

Самбо кураши бўйича Европа ва жаҳон чемпиони, тўрт марта Урта Осиё ва Қозоғистон, беш марта Ўзбекистон чемпиони, Халқаро мусобақа ғолиби Собир ҚУРБОНОВ

Кураш бўйича биринчи жаҳон чемпионати ниҳоясига етгач, эртасига Бухорога қайтди. Чемпион ўғли ҳали Тошкентда эди. Аэропортда юзлаб ишқибозлар, кураш фахрийлари, ёшлар, мухбирлар чемпионнинг отаси Собир полвонни гуллар билан кутиб олишди.

— Бундан ортиги ҳам бўлмас. Эллик ёшини нишонлайман; деб турган отанинг ўғли Биринчи жаҳон чемпионатида чемпион бўлса... Фақат ота бўлгангина бу

ёрғарлик жараёнининг ўзи бир фильмдек воқеа... Ўғлим, ўғилжоним Ақобир, дейман, ортингда Ўзбекистон турибди, Бухоро турибди, отанг Собир Қурбон турибди! Қўрқмай хотиржам олиш, лекин шиддатли олиш. Ўн-ўн беш дақиқа ичида соф, ҳалол йиқитсанг кураш чўзилади, — чарчасанг қўллаган усулинг чала қолади, чиқмайди... Минг шукрки, Ақобир ишончимни оқлади. Олти марта гиламга чиқиб, рақибларни енгди, шу кунга у эмас, мен орзуимга етдим...

— Собир ака, мана, қўлимда сиз ҳақингизда ёзилган “Шиддат шоҳсупаси” номли китоб турибди. Унда ёзилишича, сиз 74 кило вазнда курашиб, жаҳоннинг номдор

Спортнинг олдулари

биринчиликлар ўтишига ишонаман...” деб башорат қилган экансиз. Ушанда хорижлик ҳамкасблар “Бухоро танки”, “Бухоро йўлбарси” деб ёзишганди...


Курашнинг шу кунга етиши ҳақидаги сўзим башорат эмас, ният эди. Бу ниятни кўнглимга Аллоҳ солган, чунки худосиз полвон, полвон эмас... Иккинчидан, мен бир неча йил олдин чемпион бўлишим мумкин эди. “Оға”ларимиз биз туркий миллат вакиллари-нинг имкониятларини кураш майдонларида ҳам тўсиб келишди. Ҳар бир мусобақада менга нисбатан фирром-

ЧЕМПИОННИНГ ЎҒЛИ — ЧЕМПИОН

қувонччи, ҳаяжонни теранроқ тушунади.

— Минглаб томошабинлар Ақобирни гиламда кўришди, Президентимиз айтганларидек, биринчи жаҳон чемпионати сифатида тарих зарварларига кирган куннинг гувоҳи бўлишди. Аммо ота-ўғил иккинчизга маълум, машаққатли меҳнат билан боғлиқ муҳлисларни қизиқтириши табиий...

— Ўн уч кун ўғлим Ақобир билан бирга бўлдим. Илгари полвонларнинг вазни бир кун олдин торозига тортилиб, эртасига кураш бошланарди. Биринчи кун 73-74 кило курашчининг вазни кураш бошлангунча 3-4 килога ортиши ҳам мумкин эди-да. Бу ҳар бир курашчи учун табиий, таниш ҳол. Энди эса бутунлай адолатли тартиблар, усуллар жорий этилди. Чунки, полвон деган номнинг ҳалоллигига шубҳа, доғ тушмасин. Янгилик томони биринчидан, электрон торози ишлатилади. Шу кунгача мен битта тухумни оғирлигини билмасдим. Ақобир мусобақа бошланмасдан бир кун илгари битта тухум ортиқча еган эди, ўлчасак вазни 35 грамм ортиқ, яъни 73 килою 35 грамм. Ана шу ортиқча вазни йўқотиш учун нималар қилмадик дейсиз? Оёқларини қалин кўрпа билан ўраб (оёқ исимаса киши терламайди) баданидаги сувни терлатиб чиқарганимни айтишми ёки ҳароратига чидаб бўлмас саунага олиб тушиб, баргли чивиклар билан савалаганимни айтишми? Уйқуси, овқат тартибидан хабардорлик, ҳатто, унга уқтирган гапларимни эсласам, руҳий ва жисмоний тай-



ликлар бўларди, чидадим. Номимиз чиқмади. Юракда алам бор эди, Ражаббой, ука... Испанияда “Э бор-е, нима бўлса бўлди, дедиму, чемпион бўлгач ўзбекман, дедим. Билсангиз миллатимни айтиб фахрланиш орзум эди. Ҳаммаси ана шу бир оғиз “ўзбекман” деган сўздан бошланди... Майли, энди бу ўтган тарих. Бугунги хурсандчиликка соя солмасин. Бугун юрагимда бори — Президентимиз Исом Каримовнинг миллатпарвар, тантиликлари боис полвонлар рўёбга чиқди. Сўз билан эмас, курашиб Ватанга, Юртбошига садоқат кўрсатиш ягона мақсадимиз, ниятимиз.

— Бухорода нималар билан бандсиз, чехрангиз, кўринишигиз ҳали ўша-ўша - Собир Қурбоновсиз, қиёфанигизда полвонлик бўриб турибди.

— Вилоят Ички ишлар бошқармасида қўл жанги ва самбодан бош мураббийман. Тошкентда ўтган кураш бўйича биринчи Жаҳон чемпионатида Бухоро терма жамоасининг бош мураббийи ва ҳакамлар таркибида иштирок этдим. Тўрт нафар, агар Камол Муродовни бухоролик эканини ҳисобга олсак, 5 йигитимиз биринчи жаҳон чемпионатида қатнашди.

Шулардан иккитаси — Камол ва ўғлим Ақобир чемпион бўлишди, қолган уч нафари учинчи ўринни олишди. Мен туғилган “Маданият” жамоа ҳўжалигида энди 6 нафар жаҳон чемпиони етишиб чиқди. Шуларга озми-кўпми меҳнатим сингганидан хурсандман.

Сухбатдош: Ражаббой РАУПОВ,
Бухоро

БЕШ ЁШАИ ҲОРИЗИ ҚУРБОН

Қора тили Шайх Шариф ал-Халифа эндигина беш ёшда. Аммо унинг ноёб қобилияти Африкадаги барча мусулмонларни гоётада ҳайратга солади. У ёш бўлишига қарамай, беш тилда бемалол сузлай олади. Қурбон каримнинг эса бутун-бутун оятларини қироат билан ўқиганида ҳаммани

сел қилиб юборади. Болакайнинг даъватлари ҳам ҳеч кимни бефарқ қолдирмаяпти.

Шайх Шарифнинг устозларидан бири Латиф Гейеннинг таъкидлашича, бу бола пайгамбар ҳам, худо юборган элчи ҳам эмас, Аллоҳ таолонинг бир мўъжизасидир.

БУҚА ДУМИНИ КУТАРГУНЧА

Билсангиз керак, Испанияда кўзи қонга тўлган буқалар билан одамларнинг олишуви қон тўкилгунча давом этади. Жанубий Кореяда эса буқалар ўзаро уришади. Қайси ҳўкизнинг думи биринчи бўлиб кўтарилса, у ютқазган ҳисобланади.

Чандо деган шаҳарда яқинда бўлиб ўтган бундай олишув халқаро ўйин нуфузига айланди. Унда Япониядан келтирилган 4

та буқа ҳам қатнашди. Америкалик қовбойлар эса родео санъатини кўрсатишди.

Кореяда урушга туширилган ҳўкизлар йирик, уларнинг айримлари 700 килограмдан ортиқ вазнга эга. Буқаларни боқиш учун бир ойда 400 долларга яқин маблағ сарфланади. Худо бериб, ҳўкизнинг думини давомда думини кўтармаса, соврин — 32 минг доллар сизникидир.

полвонлари, Олимпиада чемпиони мўғул Батцух, рус Константин Вас, француз Жроз Пекетун, инглиз Килрой, голландиялик Долман, испан Хосе Сечени мағлуб этиб, Мадридда чемпион бўлгансиз ва 1975 йилда ушбу галабани Минскда ўтган жаҳон чемпионатида такрорлаб, қайта-қайта чемпионлик нашидасини сургансиз. Ушбу мусобақаларда айниқса, Мадридда хориж журналистларига берган жавобингизда “Ўзбек кураш мактаби аллақачондан бор. Мен ана шу мактаб вакилиман. Яқин келажақда албатта, ўзбек кураши бўйича халқаро мусобақалар, дунё бўйича

Бўлса, шундай бўлсин

Маълумки, “Audi A 3” русумли энгил автомобилларнинг энг охири маҳсулоти 3 эшикли ҳетчбек кўринишида тақлиф қилинган бўлса, эндиликда у 5 эшикли ҳетчбек шаклида ишлаб чиқарилаётган бўлади. Бу янгилик “V W Golf IV” асосида яратилган. У олдинги модификацияга улчами ва кўриниши билан жудаям ўхшаб кетади. Лекин синфи бўйича бир мунча юқори.

Ҳозирги кунда сотувга унинг 3 та двигателлиси тақлиф қилинаёпти, 2 таси бензинда ишлайдиган, 1,8 ҳажмга (биринчиси атмосферали, 125 от кучи ва иккинчи турбопуфлагичли 150 от кучига) эга.

Янги “Lexus-Jeep” 1,9 литрли 90 от кучи қувватига эга турбодизель двигателли янги бир “Lexus Jeep” ларининг учинчи моделини чиқармоқчи. Асос сифатида “AS 300/400” орқа тортичи

седанларнинг платформаси хизмат қилади. Турган гапки, у автомобиль тўрт тортичи қилинади. Янги “Lexus Jeep”нинг нархи “R X 300”га қараганда қимматроқ, “L X 470” дан арзонроқ бўлади. Бироқ мазкур автомобилнинг қачон ишлаб чиқарилиши ҳали оммага маълум эмас.

МАШИНАГА МУЗ ҲЕЧ ГАП ЭМАС

Германиянинг “Daimler - Bens” компанияси ўзининг овуруплик харидорларига “Mercedes - Bens”лари багажнига ажойиб янги бир қурилмани тақлиф қилаяпти. Гап шундаки, компания автомобилни ҳар хил йўлақлардан, масалан, қишда муздан тойиб кетишидан сақлайдиган қурилма ишлаб чиқди. У пўлат ёки пластик занжирлардан ишланган. Бу қурилма ботқоқлик, қор ва музда юришда жудаям қўл келади. Улар жуфт ҳолатда сотилади. Лекин ундан бир жуфтнинг сотиб олиш ва керакки пайтда стакчи филдирақларга ўрнатиш ҳам мумкин. Энг афзаллиги шундаки, уни хоҳлаган русумдаги автомобилларга ўрнатиш мумкин.

Хориж матбуоти асосида
Руслан РЎЗМЕТОВ тайёрлади



Иккинчи ярим йиллик
учун обуна бошланди!
Шошинг!

Мирзо Улугбек туманидаги Академик Содик Азимов номли 64-мактабнинг 9-маҳсуе банк синфи шу йилнинг 20 май кунгача таст синовлари асосида қабул давом этаётганини маълум қилади. Қабул учун кўйидаги ҳужжатлар бўлиши керак:

1. Арнза
2. 3x4 см ҳажмидаги фотосурат (2та)
3. 8-синф табели (4-5 баҳолар билан)

Манзил: Содик Азимов кўчаси, 35-уй

Муассис:

ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИНИНГ
«КАМОПОТ» ЖАМГАРМАСИ

Бош муҳаррир
Абдуқодир НИЁЗОВ

Навбатчи муҳаррир
Хуршид РЎЗИЕВ

ТАҲРИРИЯТ:

Бош муҳаррир — 133-89-61
Қабулхона — 136-56-58
Хатлар бўлими — 133-79-69

МАНЗИЛИМИЗ:

700083 Тошкент Матбуотчилар кўчаси, 32-уй
Тахририятта юборилган материаллар қайтарилмайди.
Муаллифлар фикри тахририят нуқтан назардан фарқланishi мумкин.